20___ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 28 (28), 2020 йил 4 март, чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2020 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори Наврўз байрамининг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгиланиш, яхшилик ва бағрикенглик, табиатни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига ғоят ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш мақсадида:

1. 2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш бўйича **"Наврўзинг — янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш концепцияси ва ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур концепция ва дастурни тайёрлашда барча тадбирларни том маънода умумхалқ сайли ва шодиёнаси сифатида ўтказиш, уларда кенг халқ оммасининг фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини кўрсатиб берадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ташкил этиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари асосида нуроний кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўзни нишонлашга оид урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

тадбирлар бўлиб ўтадиган жойларда ҳунармандчилик кўргазмалари, китоб расталари, кўчма савдо дўконлари, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда саҳналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ва мусобақаларни ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда катта маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ижодкорлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Наврўз умумхалқ сайилларига хорижий ва маҳаллий туристларнинг ташрифини ташкил этиш мақсадида кенг тарғибот ва тайёргарлик ишларини амалга оширсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 март

МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИ – БЕБАҲО МЕРОС

Самарқанд шаҳридаги "Форумлар саройи"да "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Халқаро анжуман Қуръон тиловати билан бошланди. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ректори, профессор Рустам Қосимов очиб, иштирокчиларни олиму уламолар, муҳаддислар ва азиз-авлиёлар юртига ташрифи билан қутлади.

Янги қиёфа касб этаётган Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланяпти. Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциянинг бир овоздан қабул қилингани бунинг ёрқин далилидир. Бу ислоҳотлар замирида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам. Хусусан, сўнгги йилларда экстремистик ва террористик тузилмаларнинг бузғунчи ғоялари таъсирига тушиб қолган 20 мингдан зиёд фуқаро махсус ҳисобдан чиқарилди. Турли жиноятларни содир этган, лекин хатосини тушуниб етганларни афв этиш бўйича Президентимизнинг 9 та фармони қабул қилинди. Натижада 4 мингдан зиёд киши жазони ўташ жойларидан озод этилди, Жаслиқда жойлашган жазони ўташ муассасаси бутунлай тугатилди. Шунингдек, "Меҳр" ва "Меҳр-2" инсонпарварлик операциялари доирасида Яқин Шарқ минтақасидаги қуролли можаролар давом этаётган ҳудудлардан 261 нафар Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Уларни жамиятга интеграциялаштириш жараёнлари давом этмоқда. Булар юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда фаолияти йўлга қўйилган Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадисшунослик олий мактаби, ҳадис, калом, тасаввуф, ақида, фиқҳ илмий мактаблари миллий ва диний қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, буюк алломаларнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, жамиятда диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, аждодларимиз меросини илмий ўрганишни янада фаоллаштириб, муқаддас динимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларни инсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг муҳим омили бўлаётир.

Президентимиз ташаббуси билан замонавий услубда барпо этилган Тошкент шаҳридаги Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Сузук ота ҳамда Термиз шаҳридаги Ҳаким Термизий масжидлари маърифат масканлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бухорода Етти пир, Қаршида Абу Муин Насафий, Термизда Султон Саодат ва бошқа қадамжолар таъмирланиб, уларга келаётган маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун қулай шароитлар яратилди. Ўзбекистон тарихида илк бор халқаро "Зиёрат туризми" форуми ҳамда "Нақшбандий туризм фестивали — 2019" халқаро тадбири ташкил этилгани қувонарли, албатта.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 2 МАРТ КУНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.

2019 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ"ЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Сўнгги уч йилда мамлакатимизда 160 ДАН ОРТИҚ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ҚУРИЛДИ.
Бундан ташқари, ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ, буюк алломаларимиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБЛАРИ КАБИ ЗАМОНАВИЙ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ҳозирги кунда 9 минг 942 та мактабнинг 2 минг 835 таси таъмирталаб. 5 минг 861 тасида ўқувчилар сони сиғимига нисбатан кўплиги сабабли дарслар 2 сменада ўтилмоқда. Жорий йилда 36 та янги мактаб қурилиб, 211 тасининг капитал таъмирланиши белгиланган.

Юртимизда МАТЕМАТИКА, КИМЁ, ФИЗИКА ВА БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИНИНГ 10 ФОИЗИГИНА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРГА АЖРАТИЛГАН.
Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ўқув дастурларида РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ, АНИҚ ФАНЛАРДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ.

Охирги 3 ЙИЛДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ ЎРТАЧА 2,5 БАРОБАР ОШИРИЛДИ.
Узоқ ҳудудларга бориб ишлайдиган педагоглар меҳнатини ҚЎШИМЧА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Мактаблардаги 683 та физика, 897 та кимё, 901 та биология хонасида ўқув лабораториялари йўқ. 7 минг 807 та физика, 7 минг 776 та кимё ва 7 минг 770 та биология хонасининг жиҳозлари эскирган.
62 мингта синф хонаси замонавий ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминланмаган, 7 мингта компьютер етишмайди.

Йиғилишда педагог кадрлар билими ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили аттестацияда иштирок этган қарийб 57 минг ўқитувчидан 43 фоизи паст баҳо олгани, мамлакат бўйича муаллимларнинг аттестация натижаларидаги ўртача кўрсаткичи 100 баллик баҳолаш тизимида 64 баллни ташкил қилгани айтиб ўтилди.

2021 йилгача мактабларнинг камида 3 фоизи, 2025 йилгача 20 фоизи, 2030 йилга қадар эса 50 фоизини "Замонавий мактаб"ларга айлантиришнинг асосий параметрлари белгиланди.



Халқ таълими ва Молия вазирликларига амалдаги жиҳозлаш ҳолатини танқидий ўрганиб, мактабларни замонавий лаборатория, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди. Аниқ фанларни ўқитишда амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда интерактив машғулотларга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, методик таъминотни янгича ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

"Бўстон" дам олиш оромгоҳида "Маърифат" тарғиботчилари аъзолари томонидан 107 нафар болалар ва 48 нафар аёллар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 март, 28-сон

МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИ — БЕБАҲО МЕРОС

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясидаги алоҳида ўрни ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳага оид ислоҳотларнинг эътирофи сифатида Фан, таълим ва маданият бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан Бухоро шаҳри "2020 йилда ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилинди.

Анжуман давомида Самарқанд шаҳар ҳокими Бобур Облоқулов томонидан нуфузли меҳмон — Миср Араб Республикасининг бош имом-хатиби, "Ал-Азҳар" мажмуаси раҳбари Аҳмад Тойииб жанобларига Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишдаги ҳиссаси учун "Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси" унвонини бериш ҳақидаги қарорнинг ўқиб эшиттирилиши барчанинг олқишига сазовор бўлди. Шу ўринда, Аҳмад Тойииб жанобларининг Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Фахрий доктори" эканлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Шундан сўнг Аҳмад Тойииб жанублари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматига ўз миннатдорлигини билдириб, анжуманнинг дунёда тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатишдаги улкан аҳамияти хусусида сўз юритди.

— Бугунги замонавий дунёдаги таҳдидлардан ислом умматини муҳофаза қилишнинг ягона йўли барча жабҳаларда тўғри йўлни тарғиб қилишдир, — деди шайх Аҳмад Тойииб. — Бу йўл хоҳ замонавий ахборот технологиялари орқали бўлсин, хоҳ чиройли маъруза ёки босма ва электрон нашрлар орқали бўлсин жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда исломга бегона кишилар томонидан ёт ғояларни чиройли қилиб тарқатишга уринишлар кўп бўлмоқда. Уларнинг мўмин-мусулмонларни йўқ қилишга жазм этишлари эса ҳеч бир исломий мезонга тўғри келмайди. Мураккаб жараёнлардан чиқишнинг ягона йўли забардаст уламоларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб этиш ва ривожлантиришдир. Бундай анжуманлар мусулмон уламоларини бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Биз шундай тадбирлар ўтказишилини доимо қўллаб-қувватлаймиз ва рағбатлантириб борамиз. Бу борада Ўзбекистон давлати пешқадамлардан бўлгани учун чуқур миннатдорлик билдирамиз. Ушбу юксак ташаббус таҳсинга лойиқдир.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳидоятга бошловчи имом ва яна қатор улуғ сифатлар билан тарихга кирган, жаҳолатга қарши маърифат воситасида курашган буюк илоҳиётчи Абу Мансур Мотуридийнинг ибратли ҳаёти, бой илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро анжуман ислом динининг асл қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда мусулмон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Конференция улуғ аждодимизнинг диний-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас динимиз мусаффолигини ҳимоя қилиш йўлидаги курашини, илму маърифатни ривожлантириш тажрибасини халқаро жамоатчиликка етказишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — деди муфтий Усмонхон Алимов. — Калом илми ривожланишида Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ўрни ниҳоятда катта бўлган. Аллома яшаган IX асрнинг охири – X асрнинг биринчи ярмида турли гуруҳ ва фирқалар сони кўпайиб кетган. Натижада эътиқод масаласида ихтилофлар келиб чиққан. Ана шундай вазиятда Имом Мотуридий диннинг асл моҳиятини очиб бериш, соф исломий ақидани сақлаб қолиш борасида беқиёс ишларни амалга оширган.

Халқаро конференциянинг ялпи мажлиси ниҳоясига етгач, иштирокчилар ўз ишларини "Мотуридия таълимоти, ҳозирги замон" ҳамда "Замонавий давлат шароитида диний қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш" шўъбаларида давом эттирди.

Миср бош имоми Шайх Аҳмад ТОЙИИБ:

Миср бош имоми, Шайх Аҳмад Тойииб ҳазратлари бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳридаги "Чокардиза" қабристонида жойлашган улуғ аллома Имом Мотуридий мақбарасини зиёрат қилди.

— Бизнинг руҳимиз Маккаи Мадинага интилса, ақлимиз Самарқандга ошиқади, — деди Шайх Аҳмад Тойииб ҳазратлари. — Чунки Самарқанд илм-маърифат маркази ҳисобланади. Мен бу муборак гўшани зиёрат қилар эканман, имом Мотуридийга эҳтиром сифатида қад ростлаган мақбара ва атрофидаги ободончиликни кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Келажакда бу юрт тупроғида ётган бошқа олимлар эъзозлаб, уларга алоҳида мақбаралар қурилиши ҳақидаги сўзлар мени жуда қувонтирди. Алломаларга бўлган бу эътибор Ўзбекистон заминига, албатта, қут-барака ва файз олиб келади.

Шундан сўнг меҳмонлар Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрдилар. Меҳмонларга Президентимиз ташаббуси билан Имом Бухорийнинг ислом оламидаги ўрни ва нуфузига мос равишда мажмуанинг янгидан барпо этилиши режалаштирилаётгани ҳақида маълумот берилди. Шайх Аҳмад Тойииб ушбу ташаббус алломага нисбатан кўрсатилган муносиб эътибор эканини мамнуният билан қайд этди.

Сўнгра мартабали меҳмонлар Самарқанд шаҳрида бунёд этилган Ҳадис илми мактабида бўлиб, дарс машғулотлари жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Шайх Аҳмад Тойииб ташрифи чоғида ушбу таълим даргоҳида таҳсил олаётган талабалардан келажакда буюк олимлар ва уламолар етишиб чиқишига умид билдирди.

Меҳмонлар Ҳадис илми мактабидаги шарт-шароитлар, ўқув хоналари, ахборот - ресурс маркази ва спорт билан шуғулланиш учун яратилган имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси бошлиғи, бош муфтий Науризбай ҳожи ТАҒАНУЛИ:

— Халқаро илмий анжуманга ташриф буюрган кўплаб делегатлар қатори биз ҳам унутилмас, улкан тарихий бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Тадбирнинг мана шундай мўътабар ва муқаддас жойда ўтказилаётгани чуқур мазмун касб этмоқда. Мотуридий ҳазратлари асос солган калом таълимоти Самарқандда вужудга келган ва бутун дунёга тарқалган. Биз, қозоғистонлик меҳмонлар учун бу тупроқ азиз ва қадрли. Маълумки, Ислом дини инсоний фазилатларни ҳамиша қадрлаб келган. Инсонийликнинг энг ноёб белгиси эса дўстлик ва биродарликдир.

Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлиги узоқ тарихга эга. Биз бу дўстлик ва биродарликни ҳар доим қадрлаймиз. Айниқса, кейинги йилларда, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг, жумладан, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигининг тобора ривожланиб бораётгани барчамизни қувонтирмоқда.

Давлатларимиз раҳбарларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда Қозоғистон ва Ўзбекистон мусулмонлари Диний бошқармалари орасидаги ўзаро алоқалар ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Имом Мотуридийнинг таълимоти бутун дунё мусулмонлари учун бирдек бебаҳо меросдир. Турли диний оқимлар бош кўтарган, экстремизм ва тероризм хавфи кучайган ҳозирги пайтда бу таълимот бизни пароканда-ликдан, ёт оқимлар таъсиридан асрайди, турли таҳдидларга бўйин эгмасликка ундайди, доимо огоҳ бўлишга даъват этади. Анжуман буюк аллома таълимотини ўрганиш — жамиятимиздаги сиёсий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик — ўз олдига улуғвор мақсадлар қўйган халқларимизнинг бугуни ва келажаги учун хизмат қилишига ишонамиз.

МУНОСАБАТ

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ

Президентимиз куни кеча "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонни имзолади.

Ушбу дастуриламал ҳужжат 284 банддан иборат бўлиб, уни амалга ошириш учун умумий қиймати 18,2 триллион сўм ва 10,3 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бажарилиши кўзда тутилмоқда.

– Ҳужжат лойиҳаси шу йилнинг 11–20 февраль кунлари жамоатчилик муҳокамаси учун 2020.strategy.uz ва regulation.gov.uz веб-порталларига жойлаштирилган эди. Муҳокамалар жараёнида юртдошларимиздан 3162 та таклиф қабул қилинди. Энг кўп (765 та) фикр-мулоҳаза давлат бошқаруви хусусида билдирилган бўлса, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича 586 та таклиф қайд этилди.

Билдирилган таклифлар сони бўйича кейинги ўринларни иқтисодиёт (542 та), ижтимоий соҳа (815 та) ҳамда ташқи сиёсат ва хавфсизлик йўналиши (91 та) банд этди. Фармон лойиҳаси бўйича 363 та таклиф тушди, — дейди "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — Юртдошларимизнинг таклифлари асосида давлат дастурига 62 та концептуал ва 30 дан ортиқ тахририй ўзгартиш ва қўшимча киритилди.

Мисол учун, "Mening fikrim" веб-порталида ташаббусларни кўриб чиқиш, қабул қилиш ва рад этиш жараёнларининг очиқлигини таъминлаш; судьяларни ротация қилишнинг аниқ ва шаффоф механизмини жорий этиш; ташқи қарзларни олиш ва уни мақсадли сарфлаш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ролини кучайтириш; "яширин иқтисодиёт" субъектларини аниқлашда жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш; камбағалликни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишда маҳаллий депутатларнинг иштирокини кенгайтириш; "Китоб куни"ни белгилаш ва шу кунда республика бўйлаб оммавий ижтимоий тадбирлар ўтказиш; талабалар турар жойларини қуришни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш каби таклифлар давлат дастурига киритилди.

Мазкур ҳужжатнинг иккинчи йўналиши 28 банддан иборат шаклда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган эди. Муҳокамалар натижасида 22 банддан иборат бўлиб имзоланди. Еттита банд фуқароларнинг таклифларига асосан чиқариб ташланди. Битта янги банд қўшилди. Йигирма иккита банд 18 нафар фуқаронинг концептуал таклифларига асосан таҳрир қилинди.

Бу кўрсаткичлар ватандошларимизнинг мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан яшаб, сиёсий ва ҳуқуқий онги ошаётганидан, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб, юрт келажаги ҳақида ўйлаётганидан далолат беради.

Давлат дастури бандларини муҳокама қилиш жараёнида энг кўп фикр Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш (134 та) ва прописка тизимини ислоҳ қилиш (108) масалалари хусусида билдирилди. Зеро, бу икки масала туфайли ўтган йиллар мобайнида юзлаб юртдошларимиз нечоғлик қийналгани сир эмас.

— Ўзбекистондаги қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчишини рағбатлантириш, урбанизация ва прописка тизимини ислоҳ қилиш мамлакатдаги барча соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Тараққиёт стратегияси" маркази лойиҳа раҳбари Фурқат Юнусов. — Ушбу омил одамларнинг турмуш даражаси ошишини, фаровонлигини таъминлайди. Шунингдек, ишчи-ходимларнинг меҳнат бозоридаги рақобатлашуви натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини орттиради. Саноат корхоналарининг жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилади. Аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши, ўз навбатида, солиқлар тушуми кўпайишига ва кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланишига сабаб бўлади. Шу маънода, давлат дастурига биноан, 1 апрелдан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон фуқаролари учун кўчмас мулк сотиб олишда ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаби ва янги қурилган уйлар бўйича олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилиниши кўпчилик ватандошларимиз узоқ йиллар интиқиб кутган, халқ дардига дармон бўлгувчи ислоҳот сифатида катта мамнуният билан қарши олинди.

Давлат дастуридан ўрин олган яна бир муҳим масала — 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деб тан олиниши ҳақидаги банд ҳам муҳим янгилик бўлди.

— Яқинда Чиноэда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилингани муносабати билан икки юртдошимизга фуқаролик паспортларини топширдик. Тўғриси, фуқароликни олиш масаласи ўзимни безовта қилмагани учунми, бу қанчалик аҳамиятли эканини ҳис этмаган эканман, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев. — Узоқ йиллардан буён мактабда фаррош бўлиб ишлаб келаётган Райхан опа Дарменбаевага фуқаролик паспортини берганимда у айтган сўзлар бир умр эсимдан чиқмайди: "Кўп йиллардан бери мактабда фаррош бўлиб ишлайман. Ҳар гал сайловдан олдин жараёнга алоҳида тайёргарлик кўрамиз. Ҳаммаёқни артиб, тозалайман, бироқ ўзим сайловда қатнаша олмасдим. Шунда ўзимни бошқалардан қайсидир жиҳатдан камдек ҳис этардим. Энди ҳаммаси яхши тарафга ўзгаради. Навбатдаги сайловларда мен ҳам иштирок этиб, муносиб номзодга овоз бераман".

Бу йилги давлат дастури чинакам халқ манфаатларини ўзида ифода этган муҳим ҳужжат сифатида халқимиз ҳаётига янгича мазмун, тароват олиб киради. Кўзлари қувонч ва умиддан порлаб, давлат дастури мазмуни ҳақида сўраётган юртдошларимизнинг ҳис-ҳаяжони, узоқ йиллик орзуси ижобатига ишончи шундан далолат беради.

ФАОЛИЯТ

ТАРҒИБОТ ТАЪСИРЧАН ВА ЗАМОНАВИЙ ШАКЛДА БЎЛМОҒИ ЗАРУР

Бахтиёр ҲУСАНОВ,
"Маърифат" тарғиботчилар жамияти раиси

Бугун Ўзбекистон кўплаб ривожланган мамлакатлар қатори замон билан ҳамдам, ҳамнафас ҳолда тараққиётнинг янги босқичида дадил илгарилаб бормоқда. Табиийки, бу жараёнда бошқа давлатлар қатори маданиятлар қоришиб кетаётган "оммавий маданият қозони"да қайнашимизга тўғри келяпти. Бу "қозон"дан талафотсиз чиқишнинг самарали йўли эса жамият ва одамлар орасида маърифат ва маънавиятни янада юксалтириш ҳисобланади.

Глобаллашув жараёнида жамиятнинг барча соҳа ва қатламларига шиддат билан кириб бораётган тезкор ахборот алмашинуви таъсирида юзага келаётган ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда огоҳлик ва ҳушёрликни сақлаб қолишда маърифатпарвар тарғиботчилар — миллатсевар, ватанпарварларга эҳтиёж сезилади. Ушбу заруратлар тақозоси билан давлатимизда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳани ривожлантириш, такомиллаштиришга қаратилган бир қанча қонун ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида "Маърифат" тарғиботчилар жамиятининг ташкил этилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Жамият фаолиятининг илк кунлариданоқ ўз олдига миллий маънавиятимизнинг маъно-моҳияти, илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, унинг бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган изчил, таъсирли ва замонавий усул-воситалардан фойдаланган ҳолда тарғибот ишларини олиб бориш, кенг аҳоли вакиллари, айниқса, ёшлар ўртасида ватанга муҳаббат, юртга садоқат, фидоийлик, дахлдорлик фазилатларини тарбиялаш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналаримизнинг ҳозирги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларни ўтказиш, аҳоли, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидларга қарши қаратилган тизимли ва замонавий ташвиқот ишларини олиб бориш каби бир қатор ззгу мақсад ва вазифаларни белгилаб олди.

Мазкур жараёнда "Маърифат" тарғиботчилар жамиятида барча вазирликлардан тавсия қилинган номзодлар, давлат ва жамоатчилик вакиллари, олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат арбобларидан иборат махсус тарғиботчилар гуруҳи шакллантирилиб, уларни республика миқёсида маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларига жалб этиш, соҳага янгича ёндашувни татбиқ қилиш, тарғиботчиларни молиявий ва маънавий рағбатлантириб бориш, жумладан, уларнинг маънавий-маърифий тарғибот тадбирларидаги маърузаларига ҳақ тўлаш ҳамда "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танлови, "Маънавият фидойиси" кўкрак нишонига тавсия этиш тизими йўлга қўйилди.

Президентимиз ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббусни кенг аҳоли қатлами ўртасида тарғиб этиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида тарғиботчилар гуруҳи аъзолари мунтазам тарзда ҳудудлардаги таълим муассасалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмларда бўлиб, иштирокчиларни мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мақсад-йўналишлари билан таништириш, аҳолининг маънавий дунёқараши, китобхонлик маданиятини оширишга йўналтирилган чиқишлар қилмоқда. Тадбирлар давомида "Маърифат" тарғиботчилар жамиятининг ҳудудий бўлим аъзоларига аъзолик кўкрак нишони ҳамда гувоҳномаларни тантанали топшириш маросимлари, ижодкор-санъаткор тарғиботчилар томонидан бадиий чиқишлар ҳам ташкил этилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 30 май куни "Меҳр" инсонпарварлик операцияси орқали Яқин Шарқдаги қуролли ҳудуддан она заминига қайтариб олиб келинган 156 нафар ҳамюртимизни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, улар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида "Бўстон" дам олиш оромгоҳида "Маърифат" тарғиботчилари аъзолари томонидан 107 нафар болалар ва 48 нафар аёллар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. 48 нафар аёлнинг руҳий-маънавий ҳолати ўрганилди. Агрессияни назорат қилиш, стресс ҳолатидан чиқариш, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг ҳаётга, яшашга қизиқишлари, ижтимоий фаоллигини ошириш юзасидан мутахассис психологлар иштирокида психологик тренинглар ўтказилди.

Президентнинг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ташаббуси билан ўтган йилнинг июнь-декабрь ойларида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Маънавият — энг қудратли ва таъсирчан қуролимиз" шиори остида ўтказилган "Маънавият фестивали" бу соҳада қилинган йирик ишлардан бири бўлди. Фестиваль доирасида маънавий-маърифий йўналишда амалий семинар-тренинглар, ижодий учрашувлар, "Жамият тараққиётининг асоси маърифатдир" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" ҳамда "Маърифат зиёлилари" кўрик-танловларининг республика босқичи, "Болаларга маърифат улашиб" бадиий-маърифий китоблар кўргазмаси, хайрия акциялари, "Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан" шиори остида китоб улашиш акцияси, миллий рақс, миллий қўғирчоқлар театри, тарихий-миллий либослар тарғиботи, "Фаол фуқаро" дебат клуби ҳамда "Зиёлилар" блогерлар клубининг тақдимот маросимлари, шоир ва адиблар иштирокида "Маърифат" мушоира кечалари, "Маърифат тур" лойиҳалари ташкил этилди. Республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олган мазкур фестиваль миллий маънавиятимизнинг илдизлари, бой ва бетакрор намуналари, унинг бугунги кундаги ривожланиш тамойилларини кенг тарғиб этиш билан бирга, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналаримизнинг ҳозирги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга муносиб ҳисса қўшди, десак муболаға бўлмайди.

"Маърифат" тарғиботчилар жамиятининг ҳамкор ташкилотлар иштирокида Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида "Ободлик кўнгилдан бошланади" шиори остида ўтказган қатор маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида эса ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига моддий-маънавий кўмак берилди. Сирдарё вилоятининг туман ва шаҳарларида "Менинг оилам — маънавий бойлигим" мавзусида оилавий ажримларнинг олдини олиш, унда маънавий соғлом муҳитни яратиш, келажак авлод онгига миллий қадрият ва анъаналаримизни чуқур сингириш бўйича тарғибот ишлари амалга оширилди. Жараёнларда фаол тарғиботчилар ташаббуси билан 20 нафар ажрим ёқасидаги оила яраштирилгани амалий ҳаракатларимизнинг ижобий натижаси бўлди.

Яқиндагина фаолиятини бошлаган "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ўз олдига катта мақсад ва вазифаларни қўйган. Уларни халқимиз, ёшларимиз билан биргаликда бажарар эканмиз, амалий ишларимиз орқали мамлакатимизнинг маънавий қиёфасини янада юксалтириш, халқимизга маърифат улашишда ўз ҳиссамизни қўшишимизга ишонамиз.

Агар Ўзбекистонда органик кунжут етиштиришнинг имкони бўлса, латвиялик ҳамкорларимиз сертификатлаштириш харажатларини ўзлари қоплаш ва харидорларни олиб келишга ваъда беряпти.

ЯНГИ ТИЗИМ

МЕВА-САБЗАВОТ КЛАСТЕРИ
экспорт ҳажмини оширади

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Қуёш суйган, тупроғи сахий юртда яшаймиз. Унда йилига 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилади. Улар табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг уйғунлиги боис, энг тотли ҳамда фойдали ҳисобланади. Инсон саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементлар ва турли биологик моддаларга бойлиги жиҳатдан эса дунёда етакчи ўринда туради.
Шундай экан, савол туғилади: нега унда умумий ҳосилнинг атиги 14 фоизи, яъни бор-йўғи 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинмоқда?

Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулот мазали ва сервитамин бўлиши мумкин, лекин маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридаги ҳолат ўрганилмаслиги оқибатида экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етарли миқдорда етиштирилмаяпти. Деҳқон, қайта ишловчи ва экспортчи корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Соҳибкор экинларни ўз билганича жойлаштириб, етиштирилган маҳсулотини сота олмаяпти, экспортёр эса мева-сабзавот қидириб юрибди. Бу хорижлик харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга салбий таъсир кўрсатяпти.

Боз устига, боғ ва токзорларда ҳосилдорлик жуда паст. Масалан, хорижий давлатларда бир гектар интенсив боғдан 70-100 тонна, айрим мевалардан 130 тоннагача ҳосил олинса, юртимизда бир гектардан 10-30 тонна, анъанавий боғ-токзорлардан эса 4-5 тонна маҳсулот олинади. Юртимизда мева-сабзавотни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича 31 та агрологистика маркази ташкил этилган. Лекин айланма маблағлар етишмаслиги ва доимий маҳсулот йўқлиги туфайли мавжуд қувватлардан атиги 10-15 фоиз фойдаланилмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида 2020 йилнинг 14 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу каби муаммолар ҳар томонлама таҳлил этилиб, мева-сабзавот экспортини тизимли ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан экспортёр ўртасида ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида тармоқда кластер тизими жорий қилиш вазифаси қўйилди. Аввало, тизимдаги шартномавий муносабатларни тўғри шакллантириш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспортчининг манфаати, мажбурияти ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 декабрдаги қарорида бу борадаги барча ташкилий-ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда, кластерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш юзасидан кўрсатмалар берилган эди.

Бундан бир неча кун олдин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига Вазирлар Маҳкамасининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида кластерлар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори лойиҳаси жойлаштирилди. Унга мувофиқ, мева-сабзавотчилик кластери хорижий инвесторлар ёки маҳаллий тадбиркорлар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Бунда муассислар таркибига, барқарор хўжалик алоқаларига ва илғор ишлаб чиқариш технологияларига эга бўлган, шунингдек, яқин атрофдаги ҳудудда жойлашган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, қадоқлаш, ташиш, сотиш корхоналари, илмий марказлар кириши мумкин. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг мева-сабзавотчилик кластери билан ўзаро муносабатлари, улар ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилади ҳамда шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинади, шу жумладан, етказиб бериладиган маҳсулотнинг камида 40 фоизи аванс билан таъминланиши ҳамда кейинчалик маҳсулотларнинг кафолатли равишда харид қилиниши белгилаб қўйилади.

Мева-сабзавотчилик кластерларининг асосий фаолиятига кўра, интенсив боғдорчилик, томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш асосида мевачилик, ёнғоқчилик, цитрус, сабзавот, дуккакли экинлар, кўкатлар каби йўналишларни қамраб олган боғдорчилик, узумчилик, иссиқхона ва кўп тармоқли ихтисосликларга бўлинади. Мавжуд ер майдонлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш турлари бўйича эса:

мустақил — тўлиқ циклда (мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш бўйича) фаолият олиб бориш учун белгиланган тартибда ўзига ажратилган йирик ер майдонларига (плантация) эга мева-сабзавотчилик кластери;

тайёрлов-қайта ишлаш — хўл ёки қайта ишланган ҳолда экспорт қилиш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчилар (фермер, деҳқон, агрофирма, кооперация ва бошқалар)дан фақат шартнома асосида сотиб олувчи мева-сабзавотчилик кластери;

аралаш — маҳсулот етиштириш учун белгиланган тартибда ўзига ажратилган ер майдонларига (плантация) эга ва бир вақтда шартнома асосида маҳсулот етиштирувчилардан (фермер, деҳқон, агрофирма, кооперация ва бошқалар) мева-сабзавотларни сотиб олувчи кластер шаклларида йўлга қўйилади.

Ташаббускор мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш учун тармоқ ихтисослиги ва турини кўрсатган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органига ариза билан мурожаат қилади. Агар ташаббускор танлаган ихтисослигига мос ҳолда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш учун ер участкасини фойдаланишга (ижарага) олишни ёки мавжуд ер майдонларини кенгайтиришни хоҳласа, буни аризада акс эттириши лозим. Келгуси йил ҳосили учун мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускорларнинг аризалари ҳар йили 15 сентябрга қадар тақдим этилади.

Қарор лойиҳасида мева-сабзавотчилик кластери ташаббускорини танлаш мезонлари, улар фаолиятининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари замонавий талаблардан келиб чиқилган ҳолда белгилаб берилган.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида қайд этганидек, **"Кластерлар фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсад — экспорт ҳажмини ошириш. Бунинг учун эса янги бозорларни топиш керак. Бозор бўлмаса, экспорт ҳам бўлмайди, кластер тизими ҳам юрмайди. Шунинг учун чет эллардаги талабни мунтазам ўрганиб, имкониятлардан самарали фойдаланиш, экспортда изчилликни таъминлаш керак".**

Мазкур кўрсатма Вазирлар Маҳкамасининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида кластерлар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори лойиҳасида ҳам ўзининг ифодасини топган. Хусусан, маҳаллий давлат идоралари мева-сабзавот кластерига товарларни (иш, хизмат) ташқи ва ички бозорларда реализация қилишга кўмаклашиш, экспортда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтиришни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши зарур.

Маълумки, ҳозирги пайтда жойларда кластерлар фаолиятининг самарали ишлашига вилоят ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларининг ўринбосарларидан бири мева-сабзавотчилик кластерларини айланма маблағлар билан таъминлаш ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга шахсан масъул ҳисобланади. Бу борадаги масъуллик нечоғлиқ зарурлиги пахта етиштиришнинг амалдаги тизими фермерлар ва кластерлар ўртасида молиявий томонлама кўплаб саволларни келтириб чиқарганида яққол кўзга ташланади. Бу бир тарафдан пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга маблағ етишмаслигини юзага келтирса, иккинчидан, пахта етиштирган фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Шу боис, кластерларни молиялаштиришни такомиллаштириш, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни алоҳида фаолият тури сифатида кредитлаш тизимини жорий қилиш талаб этиляпти.

Бугунги кунда юртимизнинг 8 та туманида мева-сабзавотчилик йўналишидаги 41 та қишлоқ хўжалиги бирлашмаси иш олиб боряпти. 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги кластерини ташкил этиш назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад хайрли: биринчи навбатда, рўзғорини қийинчилик билан тебратаётган оилалар учун иш ўринлари яратилади.

Соҳибкорларимиз олдида турган вазифалар салмоғи катта. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, кластерлар "маҳсулот етиштириш — тайёрлаш — сақлаш — қайта ишлаш — транспортировка қилиш — бозорга етказиш" асосида узлуксиз занжирни вужудга келтирса ва мева-сабзавот ҳажми кўпайиб борса, истеъмол бозоридаги нарх-навонинг барқарорлиги шунчалик мустаҳкамланади.

> **Бугунги кунда юртимизнинг 8 та туманида мева-сабзавотчилик йўналишидаги 41 та қишлоқ хўжалиги бирлашмаси иш олиб боряпти. 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги кластерини ташкил этиш назарда тутилган.**

ЭКОЛОГИЯ

МУСАФФО ТАБИАТ ҲАММАГА КЕРАК
Кимё корхоналарини ишлаб чиқариш билан бирга, атроф-муҳит муҳофазаси ҳам ташвишлантиради

Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ

Дунёда кимё саноати корхоналари чиқиндилари табиий иқлим мусаффолигига зарар етказаётган, глобал исишга сабаб бўлаётган йирик омил сифатида кўрилади. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти томонидан "Атроф-муҳит ҳимоясига барчамиз масъулмиз!" шиори остида бошланган кўкаламзорлаштириш лойиҳаси табиат муҳофазасига қаратилгани билан эътиборга молик.

Лойиҳада Президентимизнинг ўтган йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонига биноан, тизимдаги корхона-ташкилотлар жойлашган ҳудуднинг экологик ҳолатини янада яхшилашга кўмаклашиш ҳамда атроф-муҳитни манзарали дарахтлар билан бойитиш кўзда тутилган.

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг бу йилги илк ободонлаштириш тадбири Олмалиқ шаҳридаги "Ammofos-Maxam" АЖда ўтказилди.

Тадбир давомида ҳудуд иқлимига мос, сувсизликка чидамли ҳамда атроф-муҳит учун фойдали 2000 дона манзарали дарахт ҳамда гул кўчати ўтқазилди.

— Мамлакатимиз кимё саноатидаги барча лойиҳаларнинг асосий мақсади замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш орқали энергия ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олишдан иборат, — дейди "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси Жўрабек Мирзамаҳмудов. — 2019-2022 йиллар давомида "Ўзкимёсаноат" АЖ корхоналари томонидан чиқариладиган зарарли ташланмалар ва ифлослантирувчи моддаларни камайтириш чора-тадбирлари режаси ижроси таъминланиши натижасида атмосферага зарарли моддалар ташланмалари ўтган йили 2018 йилдагига нисбатан 413,8 тонна камайди. Биргина "Ammofos-Maxam" АЖ цехларини реконструкция ва модернизация қилиш ҳисобига йилига 36,6 тонна аммиак ва 3,4 тонна водород фторидининг атроф-муҳитга чиқарилишини камайтиришга эришилди.

Режага кўра, тармоқ корхоналарида атмосферани ифлослантирувчи манбалардан намуналар олиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, уларга туташ ҳудудларни стационар автоматик кузатиш постлари билан босқичма-босқич таъминлаш орқали 2022 йилгача атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли ташланмалар, суюқ ва қаттиқ чиқиндилар миқдорини 20 фоиз камайтириш кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан 60 мингдан ортиқ дарахт ва 80 мингдан ортиқ манзарали кўчат ҳамда гуллар экилиши режалаштирилган.

"ЎЗБЕК СИФАТИ" экологик тоза маҳсулотда намоён

Юртимизнинг жаннатмонандлигию, заминимиз саховатини сайёҳлар кўп эътироф этишидан, меваларимиз тотини ўзга юртларда топиб бўлмаслигидан ғурурланамиз. Аммо кейинги йилларда аксарият мева-сабзавотларимиз экспортбоп эмаслиги, яъни органик (экологик тоза) маҳсулот сифатида қабул қилинмаётгани масалага жиддий ёндашишни тақозо этяпти. Хўш, нега шундай бўляпти?

Узбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Ойбек Соатов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Органик (экологик тоза) маҳсулот нима ўзи?

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда кимёвий ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий усуллари, минерал ва синтетик воситалардан ҳаддан зиёд фойдаланиш натижасида маҳсулотлар таркибида уларнинг қолдиғи меъёрдан ортиб кетади. Уларни истеъмол қилиш инсон саломатлигига путур етказади, атроф-муҳит ҳамда тупроқдаги биохилма-хилликка салбий таъсир қилувчи муаммолар келиб чиқади. Юқоридаги унсурлардан холи бўлган маҳсулотлар органик маҳсулот дейилади.

Бугун Евроиттифоқ давлатларининг баъзиларида биологик маҳсулот, айримларида экологик тоза маҳсулот, бошқасида табиий маҳсулот ва аксариятида органик маҳсулот тушунчаларидан фойдаланиляпти. Ўзбек деҳқончилигида эса "органик"дан ташқари, "экологик тоза", "биологик" атамалари ҳам мавжуд.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) маълумотларига кўра, дунёнинг 93 мамлакатида соҳага оид қонун қабул қилинган.

Бугунги кунда органик қишлоқ хўжалиги жаҳон трендидир. 2017 йилда экологик тоза маҳсулотлар халқаро савдо айланмаси 98 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

— Бундай маҳсулотларга талаб ортаётган бир пайтда гени ўзгартирилган маҳсулотлар тури ҳам кўпайиб боряпти ва юртимиз супермаркетларида ҳам учрамоқда. Улар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, деган гаплар эшитганмиз.

— Гени модификацияланган маҳсулотлар кўпаяётгани олимлар меҳнати самарасидир. Улар ҳам ўз маҳсулотларини сотиши керак. Қолаверса, бундай маҳсулот озиқ-овқат хавфсизлигида муҳим ўрин тутиши айтилмоқда. Дунё аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Шундай экан, ҳаммани экологик тоза маҳсулот билан таъминлаб бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай маҳсулот хавфсизлик нуқтаи назаридан талаб даражасига жавоб бергандагина, истеъмолга тавсия этилади. Назаримда, гени модификацияланган маҳсулотлар инсоннинг ақлий, жисмоний ривожланишини мукаммал таъминлай олмайди. Шунинг учун органик маҳсулотларни кўпайтиришга эришишимиз керак. Ҳудудларимиз гени ўзгартирилган маҳсулотлар етиштиришдан холи бўлгани органик қишлоқ хўжалиги ташкил этишга қулай шарт-шароит яратади.

— Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини ташкил этиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Мамлакатимизда органик қишлоқ хўжалигини яратишга 2015 йилда дастлабки қадам қўйилган. Шундан кейин БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ҳамкорликда 2015-2017 йилларда "Ўзбекистон Республикасида мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини жадаллаштириш ва органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун институционал имкониятларни ошириш" лойиҳасини амалга оширдик. Унга кўра, Қашқадарёда органик мевали дарахтлар кўчатчилиги ташкил этилди. Бу масалада халқаро анжуманлар ўтказилди, соҳа мутахассислари юртимизга ташриф буюрди. Шундан сўнг, Ўзбекистоннинг органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепцияси ва стратегияси ишлаб чиқилди. Шуларга асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон айни пайтда органик қишлоқ хўжалигини йўлга қўйиш учун қулай имкониятларга эга бўлган давлатлардан бири. Шу ўринда FiBL ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати халқаро федерацияси(IFOAM)нинг жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида Ўзбекистон мева-сабзавот етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилгани ва республикамиз органик мева-сабзавот етиштириш учун қулай ер майдонларига эга экани қайд қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

> **2019 йилда Тошкент вилояти Чиноз туманидаги "Textile Technologies Group" кластери 200 гектар майдонда органик пахта етиштирди ва Control Union сертификатлаштириш идораси томонидан бу пахтага органик маҳсулот мақоми берилди. 2019 йилда АҚШ бозорида 1 тонна органик пахта хомашёси анъанавийсига нисбатан 155 доллардан 225 долларгача юқори нархларда сотилган.**

Яна бир тадқиқотимиз

> **"Sunny Fruit Production" МЧЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ. МЧЖ томонидан 2017 йилда 502,5 тонна, 2018 йилда 717 тонна ва 2019 йилда 628 тонна органик майиз етиштирилган ва улар Россия, Франция, Германия, Нидерландия, Италия ва Грецияга экспорт қилинган. Экспорт нархларини таққослаш натижалари органик майизнинг баҳоси анъанавийсига нисбатан 14,7 фоиз ва соф фойда 4,1 баробар юқори эканини кўрсатди.**

— Органик қишлоқ хўжалиги бўйича истиқболдаги режалар қандай?

— Республикамизда Organic ва Global G.A.P. каби халқаро даражада тан олинган стандартлар талаблари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш тизимлари тартибга солинмаётгани маҳсулотларимизнинг сифат ва хавфсизлигини етарли даражада кафолатлаш, экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда ташқи бозорда "ўзбек сифати" белгисини янада мустаҳкамлаш учун муайян тўсиқларни юзага келтирмоқда. Бундан ташқари, жаҳон савдо амалиётида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талаблари мунтазам кучайиб бориши, истеъмол маданияти ўсиши, озиқ-овқат, фармацевтика ва енгил саноат маҳсулотлари келиб чиқишини кафолатлаш тизимларининг такомиллашиши юртимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўришни талаб қиляпти.

Ҳозир давлатимиз раҳбарининг соҳага оид фармони лойиҳаси тайёрланяпти. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши экспорт географияси кенгайиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инвестицион жозибадорлиги ортиши, янги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига ёрдам беради.

Яқин келажакда туристик шаҳарларимиз, пойтахтимиз, кейинчалик вилоятларда ҳам органик бозорлар, ресторанларнинг ташкил этилиши кўзда тутилаётгани туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Негаки, Европада органик маҳсулотларни биздан кўра, яхшироқ билишади. Шунинг учун уларда бундай маҳсулотларни истеъмол қилиш маданияти юқори. Айни пайтда латвиялик ҳамкорларимиз билан органик кунжут етиштириш масаласида ҳамкорлик қилаётганимизни айтмоқчи эдим. Агар Ўзбекистонда органик кунжут етиштиришнинг имкони бўлса, улар сертификатлаштириш харажатларини ўзлари қоплаши ва харидорларни олиб келишга ваъда беришяпти. Умуман олганда, органик қишлоқ хўжалигини келажаги порлоқ ва биз бу йўлдаги тажриба ва изланишларни давом эттиришимиз керак.

Муножат МЎМИНОВА суҳбатлашди.

Бу йил 17 мингдан ортиқ уй-жой қурилиши бошланиб, 13 мингдан ортиқ оила имтиёзли таклиф билан шароитини яхшилаб олиши мумкин. Вазирлик ишлаб чиққан янги тартибга кўра, уй-жой қиймати хонадон майдони ҳажмидан келиб чиқади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 март, 28-сон

ИМТИЁЗ

ХУСУСИЙ СЕКТОР САЛМОҒИНИ ОШИРИШ ТАЪМИНЛАНАДИ

Шерзод СОДИҚОВ,
Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бугун аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлашга қаратилган ишлар қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, бозор тамойилларига асосланган ҳолда 2020 йилдан жорий этиладиган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби белгиланган бўлса, куни кеча Молия вазирлиги томонидан Президент фармони бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларида уй-жойларни қуриш ва ипотека кредити орқали сотишнинг янги тартиби эълон қилинди. Бир сўз билан айттанда, давлат хусусий секторларга кредит бериш тизимини енгиллаштиради. Бундан, бир томондан, уйини қуриб қўйиб, харидорга кўз тикиб ўтирган тадбиркор манфаатдор бўлса, бошқа томондан, уйга талабгорнинг ҳам мақсадга етиш имкониятлари кенгаяди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИЛСА...

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ, 850,5 триллион сўм инвестиция, шу жумладан, 35,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция ўзлаштирилишини назарда тутувчи капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз параметрлари тасдиқланди. Давлат томонидан ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларига инвестицияларни йўналтириш, ўз навбатида, қурилиш-пудрат ташкилотларининг иш тажрибаси, доимий ходимлар сони, моддий-техник базаси, асосий воситалари қиймати, олинган даромадлари ва тўланган солиқ миқдори, иш ҳақи фонди ва бошқа кўрсаткичларининг расмий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

ТАДБИРКОРГА ИМКОНИЯТ

Фармонга мувофиқ, ер майдони олишда тадбиркорга икки хил кўринишда имконият яратилади. Биринчиси, қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойлар қурилиши камида 200 та квартирани ўз ичига олган макромассивлар шаклида жойлаштирилган ҳолда амалга оширилиб, қурилишга масъул бўлган тадбиркорлик субъектлари танлов савдолар якунларига кўра аниқланади. Бунда ер участкалари танлов савдоларда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига электрон аукцион савдоларсиз текин тақдим этилади. Иккинчиси, шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ер участкалари тадбиркорлик субъектларига пулли асосда "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион орқали берилади. Қурилиш электрон аукцион савдода ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

АУКЦИОНЛАРДА ШАФФОФЛИК ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Танлов савдолари учун янги тартиб ўрнатилади. Биринчи галда, вилоят ҳокимликлари томонидан вилоятнинг шаҳар ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда кўп квартирали уй-жойлар қурилиши учун камида 200 та квартирани ўз ичига олган макромассивларга ер участкалари ўрнатилган тартибда ажратилади. Танланган ер участкаларида лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари учун бирламчи — рухсат берувчи ҳужжатлар ҳудудий ҳокимликлар томонидан тасдиқланиб, махсус ахборот порталига жойлаштирилади. Танлов савдолари эса вилоят ҳокими қарори билан ташкил этиладиган қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича ҳудудий танлов комиссиялари томонидан ўтказилиши белгиланган. Комиссия танлов сифатига жавоб беради: танланган ернинг лойиҳага мослигидан тортиб талабгорнинг малакаси, техник ва тижорат таклифларини ҳам ўрганади. Танлов савдоларини ўтказиш давомида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиб, тартибга солиш ва улар бўйича тегишли хулосалар қабул қилиш ваколатига ҳам эга.

ПУДРАТЧИЛАР РЕЙТИНГИ ТУЗИЛАДИ

Келгусида қурилишга тадбиркорлик субъектларни кенг жалб қилишни таъминлаш учун иш ҳажмига мувофиқ табақалаштирилган ҳолда автоматик тарзда шакилланадиган қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингини жорий этиш режалаштирилган. Бунда қурилиш соҳасида давлат харидлари жараёнида иштирокчиларнинг белгиланган малака талабларига мувофиқлиги баҳоланиб, барча жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар ягона ахборот тизимида жамланади.

КРЕДИТ ВА СУБСИДИЯ

Бу йил 17 мингдан ортиқ уй-жой қурилиши бошланиб, 13 мингдан ортиқ оила имтиёзли таклиф билан шароитини яхшилаб олиши мумкин. Ишлаб чиқилган янги тартибга кўра, уй-жой қиймати хонадон майдони ҳажмидан келиб чиқади. Нархлар эса 1 квадрат метр учун уч тоифада — қишлоқ жойларда (4,3 миллион сўм), шаҳарда (5 миллион сўм) ва Тошкент шаҳрида (5,5 миллион сўм) белгиланади.

Шаҳарларда ипотека кредитининг энг кўп миқдори 80 фоизгача бўлиши керак. Қишлоқ жойларда эса 90 фоизгача бўлиши кўзда тутилган. Яъни харидорнинг ипотека шартлари асосида сотиб олмоқчи бўлган уйи қишлоқ ҳудудида бўлса, хонадон нархининг умумий қийматидан 10 фоиз тўлайди. Агар шаҳардан уй қилишни истаса, бу тўлов 20 фоизни ташкил этади. Олайлик, хонадон уч ёки ундан ортиқ хона, майдони тахминан 58 квадрат метр бўлганда, бошланғич тўлов қуйидагича ҳисобланади:

1. Қишлоқ жойларда бошланғич бадал тўлови **24 миллион 940 минг сўм;**
2. Шаҳарларда **58 миллион сўм** (субсидия берилган тақдирда 29 миллион сўм);
3. Тошкент шаҳрида эса **63 миллион 800 минг сўм** (субсидия берилган тақдирда қиймат 31 миллион 900 минг сўмга тушади).

Субсидия паст даромадли ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга давлат бюджетидан ажратилади. Қишлоқ жойларда субсидия ипотека кредити фоизининг бир қисмини, шаҳарларда эса бошланғич бадал ва фоиз тўловларини тўлаш учун берилади. **Субсидия миқдори умумий қийматнинг 10 фоизидан ошмаслиги кўзда тутилган.**

ИННОВАЦИЯ

Кадастр паспортининг янги намунаси

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда янги намунадаги кадастр паспорти жорий этилди.

Пластик карта кўринишидаги мазкур паспорт Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги "Кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунасини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан жорий йилнинг 1 март санасидан бошлаб татбиқ этилмоқда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давергеодезкадастр раҳбарияти ва мутахассислари иштирокида ўтган матбуот анжуманида смарт карта кўринишидаги кадастр паспортининг ишлаш тизими ва афзалликлари ҳақида маълумот берилди.

— Кўплаб қулайликларга эга замонавий смарт карта Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида пилот лойиҳа сифатида ишга туширилди, — деди Давергеодезкадастр қўмитаси раиси ўринбосари Шерзодхўжа Ҳабибуллаев. — Ички қисмига NFS-смарт чип ўрнатилган ушбу карта эски услубдаги кадастр паспортидаги барча маълумотларни ўз ичига олиши билан бирга, интерактив давлат хизматларининг ягона порталига уланиш имкониятига ҳам эга. Картанинг ташқи қисмига эса эгасининг шахсини тасдиқловчи маълумотлар ҳамда QR-код жойлаштирилади. Келгусида банклар билан ҳамкорликда мазкур картага пул маблағларини сақловчи ва уларни нақд пул кўринишида олиш имконини берадиган "кеш" тизимини ўрнатишни режалаштирганмиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги кадастр паспортининг нархи қоғоз кўринишидаги кадастр ҳужжати учун тўловлар нархи билан тенг бўлиб, уларнинг қай биридан фойдаланиш мулк эгасининг ихтиёрида.

АНЖУМАН

Адашганни суяш — эзгу қадрият

Л.СУВОНОВ

Билиб-билмай жиноят йўлига кирганларни тўғри йўлга бошлаш доим долзарб вазифа бўлган. Ана шу жараёнда эса уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда, жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш кутилган самарани бериши тажрибада синалган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати томонидан Пробация хизмати фаолиятининг бир йиллик натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Назоратдаги шахсларнинг 36 минг нафардан ортиғи ҳамда уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари билан очиқ мулоқотлар ўтказилди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси Пробация хизмати бошлиғи, полковник Маҳамадали Исмоилов. — Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, бандликка кўмаклашиш марказлари ходимлари билан биргаликда назоратдагиларнинг оилавий шароитлари ўрганилди. Аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назорат ўрнатишнинг янги механизмлари яратилди. Натижада қатъий тузалиш йўлига кирган, қонунларга итоаткорлиги ва меҳнатга ижобий муносабатда бўлган 25431 нафар назоратдаги шахслар жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилди.

Тузалиш йўлига кирмаган, жазодан бўйин товлаб юрган 4127 нафар шахсга жазонинг бошқа тури тайинланди. Тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда олиб борилган манзилли ва мақсадли профилактик чора-тадбирлар натижасида назоратдаги шахслардан 89,5 фоизининг тузалиш йўлига ўтишига эришилди.

Пробация бўлинмалари ходимлари томонидан мингдан ортиқ "Ишга марҳамат" тадбири ташкил этилиб, назоратдаги шахслардан 7839 нафари ишга жойлаштирилди ва 9 минг нафардан ортиғига ишга йўлланма берилди. Бундан ташқари, муайян касбга эга бўлмаган 4 мингга яқин назоратдаги шахс касб-ҳунарга ўқитилди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

МИЛЛИЙ ТИЗИМ: ТЕЗ, СИФАТЛИ ВА ҚУЛАЙ

Шерзод РАЖАБОВ,
Давлат хизматлари агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Президентимизнинг шу йил 31 январдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Фармонда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ишлари давом эттирилиши кўзда тутилиб, агентлик тузилмасида давлат хизматларини рақамлаштириш бошқармаси ташкил этилиши белгиланган. Яна, шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб 10 та давлат хизмати Тошкент шаҳрида фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтлари орқали онлайн форматга ўтказилади. Кейинчалик бу янгиликни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, фармонда жисмоний ва юридик шахсларга кенг қамровли, шу жумладан, мобиль (сайёр) давлат хизматлари кўрсатиш, фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишнинг бошланғич кўникмалари бўйича маслаҳатлар бериш, ҳудуд аҳолисини кўрсатиладиган давлат хизматлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориш, шаҳар, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларда ДХМ филиалларини босқичма-босқич ташкил этиш кўзда тутилган. Филиалларнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилиши белгиланган.

Аҳоли учун марказларда қулай шарт-шароит яратиш энг муҳим омил ҳисобланади. Шу мақсадда Тошкент вилоятида 22 та Давлат хизматлари маркази фаолияти йўлга қўйилган. Бугун олис қишлоқларда марказимизнинг 3 та филиали ташкил этилиб, улар сонини кўпайтириш режалаштирилган. Марказларимиз томонидан 2019 йилда 1 миллионга яқин давлат хизмати кўрсатилди. Айни кунгача марказларнинг 8 таси инновацион биноларда иш бошлади. Йил якунигача вилоятдаги барча туман ва шаҳарлардаги марказлар янги бинолар билан тўлиқ таъминланади.

Мазкур меъёрий ҳужжатда шу йил 1 майга қадар талаб энг юқори бўлган электрон давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган мобиль иловонинг тўлиқ шаклини жорий этиш ва кейинчалик тизимли асосда такомиллаштириш кўзда тутилган. Давлат хизматларини аҳоли гавжум бўлган жамоат жойлари, жумладан, диний муассасалар, аэропортлар, вокзаллар, метро бекатлари, савдо-кўнгилочар мажмуаларда ўрнатиладиган интерактив инфокиосклар орқали ўзига ўзи хизмат қилиш тамойили асосида кўрсатиш тартибини жорий этиш ҳам белгиланган. Бу янгилик келгуси йили 1 январдан амалиётга жорий этилади.

Фармонга биноан тасдиқланган "Йўл харитаси"га мувофиқ, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида бир неча вазирлик ва идораларга 50 га яқин давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берилди. Манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш, ҳайдовчилик миллий гувоҳномасини янги намунадаги гувоҳномага алмаштириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш, тиббий фаолиятни лицензиялаш, қурилиш-монтаж ишлари бошлангани ҳақида хабар бериш, тураржойни нотураржой тоифасига ўтказишга рухсатнома бериш каби хизматларни кўрсатишда камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Масалан, давлат органлари томонидан фуқаролардан судланганлик, манзил-маълумот ҳақидаги маълумотноманинг талаб қилиниши аҳолига қўшимча оворагарчилик ва ноқулайликлар туғдирмоқда. Шу боис, бу йил 1 сентябрга қадар фуқародан розилик олган ҳолда давлат органлари томонидан идороларо, шу жумладан, электрон ҳамкорлик ҳисобига фуқародан судланганлик ва манзил-маълумот ҳақидаги маълумотномани талаб қилиш тартибини бекор қилиш режалаштирилмоқда.

Бу эса давлат хизматлари кўрсатишда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга катта ёрдам беради.

Мазкур фармоннинг ижроси жойларда аҳолига тез, қулай ва сифатли давлат хизматлари кўрсатиш, одамлар мушкулини осон қилиш, дарду қувончига шерик бўлиш ҳамда соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Таълимга рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш мақсадида ўқув жараёнини бошқариш ва дарс жадвалини тузишнинг автоматлашган "UNISYS" тизими яратилди. 2019-2020 ўқув йилида қатор йўналишлар бўйича бакалавриат ва магистратура очилди.

ИЛМ-ФАН

КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ДАВР ВА ЭҲТИЁЖГА ҲАМОҲАНГ

Лутфулла СУВОНОВ

Охирги уч йил давомида илм-фан соҳасидаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, илмий тадқиқот фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича замонавий механизмлар жорий қилинди. Соҳани институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, янги илмий муассасалар ва йўналишларни ташкил этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, бу борадаги устувор мақсадлар белгиланди. Юртимизда аввалдан шаклланган илмий мактаблар салоҳиятига таяниб, айни пайтдаги миллий манфаатларимиз ва тараққиётимиз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, бу йил математика, кимё, биология, геология фан соҳаларини ривожлантириш танлаб олинди.

Шу билан бирга, фан салоҳиятини юксалтириш, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларига мувофиқ долзарб илмий тадқиқотлар ўтказиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда кимё йўналишидаги 4 та илмий-тадқиқот муассасасида 250 нафардан зиёд илмий ходим фаолият кўрсатмоқда. Яратилган ишланмалар асосида янги ўғитлар, дефолиантлар, ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Президентимиз жорий йил январь ойида олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш сектори вакиллари билан учрашувда кимё соҳаси минерал ўғит ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани, бу йўналишдаги таълим ва илмий тадқиқотларни такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Тошкент кимё-технология институти мамлакатимиз олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаб берувчи йирик таянч олий ўқув юртларидан биридир.

1991 йилда собиқ Тошкент политехника институти таркибидаги кимёвий технология ва муҳандислик технологияси факультетлари негизида ташкил топган мазкур таълим маскани ўтган давр ичида кимё, озиқ-овқат, нефть-газ, қурилиш материаллари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига 10 мингдан зиёд юқори малакали муҳандис-технолог, таълим йўналишлари бўйича минглаб бакалавр ва 30 га яқин мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлаб берди. Шунингдек, илм масканида 40 дан ортиқ фан доктори ва 138 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Бугун институтда тахсил олган мутахассислар ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тошкент кимё-технология институти миллий иқтисодиётимизнинг муҳим ва стратегик тармоқлари саналган кимё, нефть ва газ, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва нодир металлар саноатлари учун кадрлар тайёрлабгина қолмай, балки ушбу тармоқларнинг муҳим муаммолари, техник-технологик қайта жиҳозланиш ва модернизациялаш жараёнларининг илмий-таҳлилий йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар ҳам олиб бормоқда.

— Кимё йўналишида фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришнинг таъсирчан амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мазкур йўналишда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш самарадорлигини, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёш иқтидорли олимларни тайёрлаш ва уларни илм-фанга кенг жалб қилиш мақсадида ўқув-ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш, бугун олдимизда турган долзарб вазифалардандир, — дейди Тошкент кимё-технологиялари институти ректори Ботир Усмонов. — Энг асосийси, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, бунинг учун тадқиқотларнинг тармоқ корхоналари билан ҳамоҳанглигини таъминлаш муҳим. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги йирик корхоналарда замонавий инфратузилмага эга бўлган тажриба-ишлаб чиқариш лабораториялари ташкил этиш, уларни фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига йўналтириш лозим.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, замонавий қурилиш материаллари яратиш бўйича янги илмий муассасалар, хусусан, янги композит материаллар ва инновацион кимё технологиялари бўйича тадқиқотлар олиб борадиган лаборатория тармоғини ташкил этиш зарур.

Таълимга рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш мақсадида ўқув жараёнини бошқариш ва дарс жадвалини тузишнинг автоматлашган "UNISYS" тизими яратилди. 2019-2020 ўқув йилида қатор йўналишлар бўйича бакалавриат ва магистратура очилди. Институтдаги турли кафедраларда ўз соҳасининг етук мутахассислари ишламоқда. Бундан ташқари, институт бакалавр ва магистрлари учун 10 дан ортиқ илмий-тадқиқот тўгараги устоз-шогирд анъанаси доирасида фаолият кўрсатмоқда.

2019 йилда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида 11 нафар фан доктори ва 17 нафар фалсафа докторлиги учун диссертациялар ҳимоя қилинди.

Мазкур илмий изланишлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Биргина мисол. Институт олимлари томонидан марказий Қизилқум фосфоритларидан экстракцион фосфор кислота олиш технологияси ишлаб чиқилди ва "Аммофос-Максам" АЖда жорий этилди. Натижада 144 минг тонна маҳсулот 17 та хорижий мамлакатга экспорт қилинди.

Айни пайтда институтнинг мутахассислик йўналишларига мос иқтисодиёт тармоқлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яъни мутахассис тайёрловчи кафедраларига мос келувчи кимё, озиқ-овқат, нефть-газ, қурилиш, нодир металлар каби бир қатор муҳим стратегик соҳалар муаммолари ва ривожланишини қамраб олувчи илмий тадқиқотлар базаси шакллантирилган. Бироқ институт кафедраларига мос келувчи иқтисодиёт тармоқлари соҳаларида илмий тадқиқотларларни молиялаштиришнинг тизимли механизми йўқлиги ва ёш тадқиқотчилар жалб қилинмаётгани долзарб муаммолигича қолмоқда. Шунинг учун кафедраларнинг корхоналар билан ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, институтимиз қатор чет эл таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Бугун бу ерда илғор хорижий олий таълим муассасаларининг 21 нафар профессор-ўқитувчиси талабаларга сабоқ бермоқда.

Ҳамкорлик шартномалари асосида магистрантлар илмий ишларини илмий-тадқиқот институтларида олиб бориш йўлга қўйилди. Жумладан, таълим маскани кафедралари ўз фаолиятини ҳозирги кунда Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик моддалар технологияси илмий-тадқиқот институти, "Ўзстандарт" агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш метрология ва сифат илмий-тадқиқот институти, "Тошкент чинни заводи" ОАЖ, "Аслойна", "Рўзиметов", "Мастер деликатес" МЧЖлар, "Тошкентдон", "Ғалла-алтег" АЖ каби корхоналар билан тузилган ҳамкорлик шартномалари асосида олиб бормоқда.

Шу билан бирга, институтга ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан мутахассислар жалб этилган бўлиб, ўқув машғулотлари бевосита уларнинг иштирокида олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун дунё тараққиётини кимёсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жумладан, мамлакатимизда ҳам хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан кўплаб завод, корхона ва ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Уларнинг самарали иш юритиши эса ҳар жиҳатдан мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқ.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

ЎЗБЕКИСТОН ГААГА КОНФЕРЕНЦИЯСИГА АЪЗО БЎЛАДИ

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзбекистон адлия вазири Русланбек Давлетов бошчилигидаги делегация Нидерландияда халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясининг умумий масалалар ва сиёсат кенгаши йиғилишида иштирок этмоқда.

Ушбу ташриф Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори офиси кўмагида амалга оширилди.

Айтиш керакки, Гаага конференциясининг умумий масалалар ва сиёсат кенгаши 1893 йилда ташкил этилган ноҳукумат ташкилот. Унинг мақсади халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрларини мунтазам унификация қилишга кўмаклашишдир. Ҳозирги кунда дунёдаги 82 та давлат, Европа Иттифоқи мамлакатлари ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади.

Адлия вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўлимидан маълум қилишларича, делегациямизнинг ушбу тадбирда қатнашишидан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг Гаага конференциясига қўшилиши жараёнини якунлашдир.

Мамлакатимизнинг ушбу тузилмага қўшилиши халқаро оилавий ва хусусий ҳуқуқ меъёрларини унификация қилиш тартибларида иштирок этиш, ҳуқуқий тизимни дунё стандартларига мувофиқ янада ривожлантириш, хорижда давлатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

6 мартгача давом этадиган тадбир дастуридан, шунингдек, делегациямиз аъзоларининг Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ва юридик соҳаларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга оид маърузалари, ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар, Гаагадаги нотариуслар фаолияти билан танишув ўрин олган.

ЛОЙИҲА

"ОРОЛДАГИ БОҒИМ" – "MY GARDEN IN THE ARAL SEA"

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг "Оролдаги боғим" – "My garden in the Aral Sea" агро ва экотуризм инновацион лойиҳаси ҳақида хабар қилган эдик. Энди шу лойиҳани кенгайтириш мақсадида www.aralforest.org сайтида дарахт экиш учун маблағ йиғиладиган (аҳоли молиялаштируви) платформа ишга туширилди.

Орол денгизининг қуриши минтақамиз учун оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Иқлим ўзгариши, чўлланиш, сув ва ер ресурсларининг ифлосланиши ҳамда шўрланиши, ҳайвон ва ўсимликлар дунёси қисқариши, Оролбўйи ландшафтининг ўзгариши, минтақада мавсумий қурғоқчиликлар сони кўпайиши, чанг-тузли бўронларнинг тез-тез содир бўлиши шулар жумласидандир.

Орол ҳалокати нафақат биз, балки бутун жаҳон аҳолиси учун ҳам улкан фожиадир. Шу сабабли дунёнинг турли бурчакларида бу жараёнга бефарқ бўлмаган, унинг тикланишига ўз ҳиссасини қўшишни истаган инсонлар кўп. Қайси мамлакатдан бўлишидан қатъи назар, ёрдам қўлини чўзишни хоҳлаганлар мазкур сайт орқали дарахт турлари ва нархлари, экиш технологияси каби маълумотларни олиши, платформа орқали эса тўловларни амалга ошириши мумкин. Сайт рус ва инглиз тилларида фаолият юритади. Ҳозирги кунда сайтнинг ўзбек тилидаги вариантини йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда.

— Дастлабки синов участкаларида дарахт экиш бошланди, — дейди Оролбўйи халқаро инновация маркази директори ўринбосари Муротбой Ғаниев. — Кўкаламзорлаштириш ишлари учун ушбу ҳудуднинг иқлим шароитларига чидамли бўлган дарахт турлари — шумтол, қайрағоч, каталпа, мажнунтол, саксовул, черкез ва бошқалар танлаб олинган. Кўчат катта дарахтга айланиши учун уни нафақат экиш, балки парвариш қилиш, суғориш ҳам керак. Лойиҳа ишга тушганига кўп бўлмаса-да, одамлар унда фаол қатнаша бошлади. Чет давлатлардаги ватандошларимизнинг қизиқиши ва эътиборини алоҳида эътироф этиш керак. Молиявий кўмак бераётганлар орасида талабалар ҳам талайгина. Лойиҳада Uzcard, Viza, Mastercard карталари орқали тўлов қилиш имконияти бор. Энди Россия ва Хитой тўлов карталарини ҳам фаоллаштириш ишлари кетмоқда.

Яна бир янгилик. Дарахт экиладиган ҳудудларда куну тун ишлайдиган кузатув камералари ўрнатилди. Ўрмонзор яратишга ўз ҳиссасини қўшган ҳар бир киши, қаерда яшашидан қатъи назар, мазкур сайт орқали ўз яшил ҳудудини кузатиб бориши мумкин.

Бундан ташқари, қилинаётган ишлар бўйича молиявий, фото ва видеоҳисоботлар мунтазам бериб борилади. Бу эса жараёнда очиқлик ва шаффофликни таъминлайди.

УЧРАШУВ

КЕКСАЛАР ШУКРОНАСИ

Гулсум ШОДИЕВА

Тинчлик – инсон учун энг бебаҳо неъмат. Унинг қадрига етиш, шукроналик билан яшаш ҳиссини биз ҳамиша ота-боболаримиздан ўрганиб келамиз. Айниқса, юз ёш билан юзлашаётган инсон учун ўткинчи дунё ҳою ҳавасидан кўра, ана шу улуғ неъмат азиз ва муқаддасдир.

Тошкент вилояти Пискент тумани "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Абдурасул ота Қодиров эҳтиром ва ардоқдаги инсонлардан бири. Ҳозир қутлуғ ёшдаги бу инсон ўзи ва ўзи қатори бошқа нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдор. Чунки ота ҳолидан хабар олгани хонадонига келган одамларни кўриб, кўнгли кўтарилади. Уларга уруш хотираларини сўзлаб беради.

— Мен алоқачи бўлганман. Жангга кирганимда 19 ёшда эдим, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдурасул ота Қодиров. — Уруш даҳшатларини ўз кўзим билан кўрдим. Тинчликдан улуғ неъмат йўқ. Шу кунларга етказганига минг шукр!

Пискент туманининг "Саидобод" маҳалласида яшовчи Эргаш ота Каримов ҳам 102 ёшни қаршиламоқда. У Биринчи жаҳон урушидан кейинги инқирозлар ва Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларидаги қирғинбаротларнинг тирик гувоҳи. Эргаш бобо ҳам Абдурасул ота Қодиров каби шукроналик ҳақида сўзлайди.

Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашув кўтаринки руҳда ўтди. Тадбирда ҳамкорлар нафақат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг соғлиғидан хабар олди, балки уларга тиббий ёрдам кўрсатиб, кўнгилларига хурсандчилик улашди.

ТАДҚИҚОТ

ОЛИМЛАРИМИЗДАН ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Соҳиба СОТИМБОЙ қизи

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида ишлаб чиқилган куйиш жароҳати ва ярани битказувчи воситага Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди.

Янги восита майдаланган ўсимлик хомашёсини экстракция қилиш, фильтрдан ўтказиш ва эритмани буғлантириш йўли билан олинади.

— Маҳаллий ўсимликларда экстракция қилиниб, куйиш жароҳатини ва ярани битказувчи биологик актив липидлар йиғиндиси ажратиб олинди, — дейди Ўсимлик моддалари кимёси институти етакчи илмий ходими, кимё фанлари доктори Дания Асилбекова. — Биологик фаол қўшимча сифатида тавсия қилинаётган бу воситанинг клиник олди синовлари муваффақиятли ўтди. Энди у клиник синовлардан ўтса, фармацевтика саноатида фаол ишлаб чиқариш учун тақдим қилинади.

Дарднинг катта-кичиги бўлмайди. Куйиш, қайси даражада бўлмасин, оғриқли кечади. Куйиш асоратларини бартараф этиш учун узоқ муддат ва яхшигина маблағ кетади. Уни даволашда қўлланиладиган дори воситалари эса чет элдан олиб келинади.

Таклиф этилаётган биологик фаол қўшимчанинг аҳамияти шундаки, уни республикамизга импорт қилинаётган чаканда мойи ўрнида бемалол ишлатиш мумкин. Шу каби дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш нафақат фармацевтика саноатимиз ривожига ҳисса қўшади, балки аҳолини арзон, сифатли дори-дармон билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони 48 нафарни ёки 32 фоизни ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1388 нафар аёл раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 4 март, 28-сон

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ЯҚИН, АНЪАНАЛАРИМИЗ УЙҒУН

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро тили, дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз уйи — жонажон Ватани деб билади. Турли миллат вакилларининг бир оила фарзандидек аҳил-тотув яшаши, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусининг юрагимиз туб-тубидан ўрин олиши муносиб ҳаёт кечиришимизда мустаҳкам заминдир.

— Ўзбекистон фарзанди эканимдан бахтиёрман, — дейди тарихшунос олим, туркман миллатига мансуб Аваз Бектурдиев. — Жаҳонни ҳайратга солган цивилизация илдизлари бизнинг диёрда вужудга келгани башариятга маълум. Файласуф Гераклит қадим замондаёқ бу юртни "фалсафий тафаккур бешиги", деб бекорга таърифламаган. Буюк аждодларимиз инсонларарo келишмовчилик, жабр-зулм ва ноҳақликка қарши туриб, одамларга бирдам ва ҳамжиҳат бўлиб яшашни тавсия қилган. Ҳар бир инсон, у қайси қавм ва миллатга мансуб бўлмасин, бир-бирига қариндош ва қондош қаторидадир, деган эди буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий.

... Кўп қаватли уйимизда ўндан ортиқ миллатга мансуб одамлар яшайди. Бир-биримизнинг урф-одатларимизни ҳурмат қиламиз. Тозалик ва озодаликни хуш кўрадиган баҳорой ҳам келди. Турли миллат аёллари умумий уй ҳовлисини тартибга келтиради. Сумалак тадориги бошланади. Саҳарда ҳаммамизни ўчоқ бошидан таралган ёқимли ҳид уйғотади. Кўпчиликнинг қўли билан тайёрланган таом кўпга тарқатилади.

— Йигирма беш йилдан бери ўзбек дугоналарим даврасида яхши ниятлар қиламан, омонлик тилайман, сумалак таъмидан баҳраманд бўлиб, яна бир кўкламга эсон-омон етганимизга шукр қиламан, — дейди мамнунлик билан қўшни аёл Нона Раҳматуллина. — Бир-бирларини яхши тушуниб бирлашган турли миллатлар қуда-анда бўлиб, дўстликни қон-қариндошлик ришталари билан боғлаяпти.

— Яқиндагина қиз узатдик, — дея суҳбатга қўшилади арман миллати вакиласи Ануш Малян. — Бир неча тилда қўшиқлар, табрик сўзлари янгради. Айтилган ҳар маъноли ва равшан фикр, жўяли сўзлар иштиёқ билан эшитилди.

— Бу заминда оила деб аталган муқаддас даргоҳни сақлаб қолиш учун курашмаслик, унга беписанд бўлиш гуноҳи азим, — дейди юзидан нур ёғилиб турган Ачилхон ота. Келиб чиқиши мўғил бўлса-да, ўзбекона лутфи барчани лол қолдиради. Каломининг серширажозибадорлиги-чи.

Озарбайжон қизи Холида ҳеч қаерда қайд этилмаган баъзи қонунлар — иззат, эҳтиром, ҳурмат, хокисорлик таомилларига амал қилиш, миллий удумларни қадрлаш сингари одамийлик шартлари тўғрисида фикр юритаркан, тарбия ва одоб-ахлоққа боғлиқ масъулиятли тадбирларга таянган миллат асло кам бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

— Пойтахтимизда "Файзли Тошкент" акцияси ўтказилмоқда, — дейди Юнусобод тумани "Аҳилобод" маҳалласи мутахассиси Қундузой Бобомуродова. — Шу муносабат билан маҳалла ҳудуди чиқиндилардан тозаланди, бетартиб қўйилган гаражлар тўлиқ олиб ташланди, анчадан буён аҳолини қийнаб келаётган иссиқлик қувурлари таъмирланиб, янги насос ўрнатилди, иситиш тизими яхшиланди. Ҳудудимизда истиқомат қилаётган 5795 нафар фуқаронинг 24 миллатга мансублиги, уларнинг аҳил, баҳамжиҳат яшаб келаётганини алоҳида айтиб ўтишни истардим. Наврўз байрамига тайёргарлик ҳар йилгидан-да бошқачароқ. Шундан бу йилги навбаҳор шодиёналари ўзгача бўлиши кутилмоқда. Байрам-байрамларга уланиб кетиши, сумалак сайиллари ташкил этилиши, шу баҳона турли халқ вакилларининг бир дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуриши, ҳордиқ чиқаришию шукроналар келтириши тайин.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Вячеслав Ким 2006 йилдан буён шу тизимда ишлайди. Мутахассислиги рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлган Вячеслав ўзбек тилини яхши билади, урф-одатларимизнинг нозик жиҳатларидан яхшигина хабардор. Қадриятларни қадрлайди.

— Ўзбек ва корейс халқларининг урф-одатлари бир-бирига яқин, — дейди маҳалла раиси. — Ўхшаш жиҳатлар, хусусан, ота-онага бўлган ҳурматда, аёлларимизнинг ҳаё-ибосида, оила муқаддаслиги, фарзанд тарбиясида яққол кўринади. 2014 йили Корея Республикасида бўлиб, у ердаги миллатдошларимнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишганимда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдим. Ўзбекистондаги маҳалла ишига кореяликларнинг қизиқиши кучли. Маҳалла институти тажрибаларини ўрганиш мақсадида улар бизни таклиф қилди, бордик, улар ҳам юртимизда бўлди. Эндиликда Жанубий Кореяда ҳам ўзига хос маҳаллалар мавжуд.

Раиснинг режалари бисёр. "Аҳилобод" маҳалласи 2020 йилги "Обод маҳалла" дастурига киритилган. Маҳалла гузарини барпо этиш, ҳудуддаги ички йўлларга асфальт ётқизиш, болалар майдончаси қуриш, замонавий автотураргоҳ барпо этиш, кўзга кўринадиган бўш жойларга гул ва буталар экиш, хуллас, ободончилик ишларини янада жадаллаштириш кўзланмоқда.

— Жамиятимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар давом этяпти, — дейди В.Ким. — 30 июль — Халқаро дўстлик куни жорий йилда ўзгача нишонланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда биринчи марта "Дўстлик ҳафталиги" ва "Дўстлик" халқаро форум-фестивали ўтказилади. Турли халқ ва миллатлар дийдорлашаркан, гуллаётган дўстлик дарахти чуқурроқ илдиз отади. Дўстлик бор жойда бир-бирини тушунмасликка ўрин қолмайди. Дарвоқе, маҳалла ҳудудида мўъжазгина "Дўстлик боғи" барпо этиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Ватанпарварлик, фидойилик ўз ўрнида, миллатлараро муносабат беғараз, самимий бўлса, дўстлик дарахти гуллаб-яшнайверади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Вячеслав Ким 2006 йилдан буён шу тизимда ишлайди. Мутахассислиги рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлган Вячеслав ўзбек тилини яхши билади, урф-одатларимизнинг нозик жиҳатларидан яхшигина хабардор. Қадриятларни қадрлайди.

ЭҲТИРОМ

ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ, МЎЪТАБАР АЁЛ!

М.ТОЖИМАМАТОВА

Юртимизга кириб келган баҳор фасли ўз айёмлари, шодликлари билан қалбимизга ўзгача шукуҳ бағишламоқда. Бу айёмлар ва тантаналар эса аёл нафосати, назокати, заковати билан файзли, тароватлидир.

Жамиятни демократик янгилаш, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият соҳаларини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни беқиёс.

2019 йил 8 март байрами арафасида халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган 290 нафар аёл Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланган эди. Бу йил эса нишон йўриқномасига ўзгартириш киритилиб, 50 ёшдан ошган, меҳнатда муносиб ютуқларга эришган, оиласидаги маърифий муҳит билан бошқаларга ўрнак бўлган аёлларга берилиши белгилаб қўйилди.

Куни кеча 287 нафар аёл шу нишон билан тақдирланди.

— Ўзбекистон аёллари барча жабҳаларда ўз ўрнига эга, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Эльмира Боситхонова. — Масалан, ўтган йили Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони 48 нафарни ёки 32 фоизни ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1388 нафар аёл раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида фаолият юритаётганларнинг 72 фоизи хотин-қизлардир.

Бу йил ўзи оламдан ўтиб кетган бўлса-да, ибратли ҳаёти билан кўпчиликка намуна кўрсатган аёллар ҳам ушбу мукофотга муносиб кўрилиб, нишонлар уларнинг яқинларига тантанали топширилди.

ТАЪЛИМ

СЕРГЕЛИДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР ҚУРИЛДИ

Рисолат МАДИЕВА

Пойтахтимизнинг Сергели туманида иккита янги замонавий умумий ўрта таълим мактаби фойдаланишга топширилди. Ҳар бири 1680 ўқувчига мўлжалланган бу ўқув даргоҳларини қуриш жараёнида 2019 йилда ташкил этилган Президент мактаблари тажрибасидан фойдаланилди.

Тўрт қаватли биноларнинг ҳар бирида 48 та ўқув хонаси мавжуд. Уларнинг 20 тасида фан, 14 тасида бошланғич синф ва 14 тасида хорижий тиллар ўқитилади.

Бундан ташқари, чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик, ахборот технологиялари, лаборатория, мусиқа хонаси ва кутубхона фаолият юритади. Шунингдек, тиббиёт ҳамда тиш шифокори хонаси, фаоллар зали, ошхона, спорт зали, футбол, баскетбол, волейбол майдонлари ҳам барпо этилган.

Айни пайтда мавзеда яшовчи аҳолидан фарзандларини мактабга қабул қилиш бўйича аризалар келиб тушмоқда.

— Мамлакатимизда "Замонавий мактаб"ларни ташкил қилиш бўйича Президент қарори қабул қилинганидан сўнг, жаҳон андозаларига мос шундай таълим масканлари барпо этилиши борасида илк қадамлар қўйилди, — деди Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов. — Бундай мактаблар босқичма-босқич мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилади.

— Янги мактабда шароитлар жуда ҳам яхши, — дейди 8-синф ўқувчиси Иброҳим Ҳамидуллаев. — Барча хоналар шинам. Замонавий компьютер хоналари ва ўқув лабораторияларида пухта билим олиб, келажакда етук инсон бўлишга интилишимиз лозим.

Мактабда таълим давлат тилида олиб борилади. Келгусида малакали ва билимли ўқитувчилар жамоаси шакллантирилгач, дарс соатлари бошқа тилларда ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган.

ЛАБИ ҲОВУЗ — 400 ёшда

А.НУРИЛЛАЕВ

МАДАНИЙ МЕРОС

Нодир Девонбеги ҳовузи (Лаби Ҳовуз) 1620 йилда Бухорода қурилган кўркам ансамбллардан бири ҳисобланади. Ансамбль учта тарихий бинони ўз ичига олади: "Кўкалдош" мадрасаси (1568-1569), "Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоси" (1622) ва "Лаби Ҳовуз". Мазкур маданий мерос объекти Марказий Осиёдаги энг қадимги ва энг катта саккизбурчак шаклида қурилган меъморий обида саналади.



Ҳовузнинг атрофи катта махсус тошлар билан терилган зиналардан иборат бўлиб, унинг суви шаҳар аҳолисининг ичиши, экинларни суғориш ва қурилиш эҳтиёжлари учун ишлатилган. Атрофидаги кўп асрлик дарахтлар ҳозирги кунга қадар ҳам виқор билан соя солиб турибди.

Ҳовуз сувининг ён-атрофга ойнадек акс бериши мажмуанинг тарихий ёдгорликлари билан уйғунлашиб, ўзига хос гўзаллик ҳосил қилади.

Маданият вазирлигининг веб-сайтида қайд этилишича, мазкур маданий мерос давлат муҳофазасига олинган бўлиб, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги "Маданий меросни кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан маданий мерос объектларининг миллий рўйхатига 173-рақам билан киритилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 854.
42704 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 23:40 Топширилди — 00:15 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Гулчеҳра Дурдиева
Навбатчи: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15